*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ

1991 йил 17 август
ШАНБА
№ 159 (5.202).
БАҲОСИ 8 ТИЙИН

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг рўзномаси

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган ◆ Ҳафтада беш марта чоп этилади

## Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси, Қозоғистон Совет Социалистик Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Совет Социалистик Республикаси, Туркманистон Совет Социалистик Республикаси раҳбарлари учрашувининг якунлари хусусида

# АХБОРОТ

Тошкент шаҳри,
1991 йил 14 август.

ЎРТА Осиё республикалари ва Қозоғистон раҳбарларининг 1990 йил июнь ойида Олмаота шаҳрида ҳар йили учрашув ўтказиш тўғрисидаги келишувларига мувофиқ 1991 йил 13-15 август кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси, Қозоғистон Совет Социалистик Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Совет Социалистик Республикаси, Туркманистон Совет Социалистик Республикаси делегацияларининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди.

Делегацияларга республикаларнинг Президентлари бошчилик қилдилар, уларнинг таркибига Олий Кенгашларнинг раҳбарлари, ҳукумат бошлиқлари ва бошқа расмий кишилар кирди.

Учрашувда:

Ўзбекистон ССР, Қозоғистон ССР, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон ССР ва Туркманистон ССР раҳбарлари 1990 йил 23 июнда Олмаота шаҳрида қабул қилган қарорларнинг қандай бажарилаётганлиги;

мустақил давлатлар Иттифоқи тўғрисидаги шартномани тузиш масалалари;

минтақада ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш вазифалари ҳамда қишга тайёргарликка доир ўзаро келишилган чора-тадбирлар ҳар томонлама муҳокама қилинди.

Республикаларнинг раҳбарлари мустақил давлатлар Иттифоқи тўғрисидаги шартномани имзолаш арафасида бўлиб ўтган ушбу учрашув шу шартноманинг руҳига мос келади ва бошқа республикаларнинг манфаатларига зид эмас деб ҳисоблайдилар. Олмаота учрашувининг ҳужжатлари ва республикалар ўртасида тузилган битимлар янги Иттифоқ шартномасини тайёрлаш жараёнига кўмаклашди. Бу битимларни амалга ошириш республикалар олдида турган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва инсонпарварлик муаммоларини ҳал этишнинг ишончли негизи бўлди. Шу туфайли пулнинг қадрсизланиши ва ишлаб чиқариш таназзули оқибатларини юмшатиш, минтақада турли жамоат ҳаракатлари мухолифлигининг, миллатлараро можаролар ва иш ташлашларнинг олдини олишга муваффақ бўлинди. Илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик жараёнлари тезлашди ва чуқурлашди, бозор муносабатларига ўтиш ва кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтириш учун ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитлар яратишга доир чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бир пайтда учрашув қатнашчилари ташвиш билан шуни қайд этдиларки, мамлакатдаги аҳволнинг ёмонлашганлиги, халқ хўжалигининг деярли барча соҳаларида танглик ҳолатларининг кучайганлиги, пул қадрсизланиши кучайиб бораётганлиги, нарх-навонинг қимматлашиши ва бунинг оқибатида турмуш даражасининг пасайиши ижтимоий ва миллатлараро вазиятга салбий таъсир қилмоқда.

Экология вазиятининг кескинлашганлиги минтақадаги аҳволни мушкуллаштирмоқда. Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларини мамлакатда Орол фожиасининг олдини олиш юзасидан кўрилаётган чала-ярим чоралар қаноатлантира олмайди, Орол фожиаси ҳозироқ миқёслари ва оқибатлари жиҳатидан умумбашарий тус олди. Каспий денгизи сатҳининг кўтарилиши муносабати билан Каспийбўйи районидаги аҳвол жиддий ташвиш туғдирмоқда.

Минтақа республикаларининг молиявий аҳволи тобора ёмонлашяпти. Нарх белгилашнинг ислоҳ этилиши уларни ўз халқ хўжалигининг мукаммалроқ тузилиши туфайли пировард маҳсулот ишлаб чиқаришдан даромадларнинг асосий қисмини олиб, Иттифоқ олдида зиммасига олган мажбуриятларини бажармаётган республикаларга нисбатан нотенг аҳволга солиб қўйди. Натижада минтақадаги республикаларга тегишли бўлган ижтимоий-иқтисодий тараққиётга маблағлар ва аҳолига компенсация тўловлари харажатларининг ўрни қопланмаяпти.

Айрим республикаларнинг Умумиттифоқ барқарорлаштириш жамғармасини барпо этишга бундай бузғунчилик билан ёндашуви Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистонни ҳимоя чораларини кўриб, хом ашё ресурслари нархини оширишга мажбур қилиши мумкин, бу ҳол пировард натижада муқаррар равишда умуман бутун мамлакатда нарх-навонинг ошиб кетишига сабаб бўлади. Минтақа деҳқончилик-саноат комплекси учун келтирилаётган саноат маҳсулоти нархларининг тартибсиз ошаётганлиги ҳам қишлоқ хўжалик хом ашёси ва озиқ-овқат маҳсулотлари нархи кўтарилишига сабаб бўлиб, аҳволни тағин ҳам чигаллаштирмоқда. Буларнинг ҳаммаси пировард натижада аҳоли турмуш даражасининг пасайишига олиб боради.

Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон раҳбарлари таъкидлайдиларки, Иттифоқ идораларининг изчиллик билан ҳаракат қилмасликлари, бир қанча республикаларнинг маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларини бажармасликлари халқ хўжалигининг кўпгина тармоқларида ишнинг беқарор бўлишига олиб келди, аҳолини иш билан таъминлашдаги шусиз ҳам мураккаб вазиятни янада қийинлаштирди. Амалда минтақани ёғоч, металл, нефть маҳсулотлари, машиналар ва ускуналар билан таъминлаш бетартиб амалга оширилмоқда.

Аҳолини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда ташвишли аҳвол юзага келмоқда. Минтақадаги дон, ун, гўшт, шунингдек, ёқилғи-энергетика ресурслари захираларининг аҳволи куз-қиш даврида катта қийинчиликлар бўлишидан далолат бермоқда.

1992 йилда мамлакат иқтисодиёти амал қилиши асосий йўналишларини шакллантиришга ёндашувларнинг шу вақтгача пухта ишлаб чиқилмаганлиги шартномалар тузишга, буюртмаларни аниқлашга салбий таъсир этмоқда ва амалий фаолликка тўсқинлик қилмоқда.

Учрашув қатнашчилари минтақа республикалари ҳаракатларини уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, ҳамда олдинги учрашувда ишлаб чиқилган, ягона иқтисодий маконни сақлаб қолишни ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликни таъминлайдиган, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган қоидалар асосида мувофиқлаштиришни кучайтириш қатъий зарурат эканлигига ишонадилар. Шу муносабат билан муштарак муаммоларни ҳал қилишга, шу жумладан нарх белгилашга, янгиланган Иттифоқ доирасида Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг манфаатларини ўзаро келишган ҳолда ҳимоя қилишга ягона ёндашувларни ишлаб чиқиш юзасидан республикалараро Маслаҳат кенгашини тузиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон раҳбарлари Мустақил давлатлар Иттифоқи тўғрисидаги шартномани имзолашни мамлакатдаги иқтисодий ва сиёсий вазиятни барқарорлаштиришнинг муҳим чораси деб биладилар. Янги Иттифоқ шартномаси Иттифоқ билан республикалар ваколатларини фарқлаб қўйишнинг мақбул негизини яратиб, республикаларнинг сиёсий ва иқтисодий суверенитетини амалга ошириш, уларнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, мол-мулкни тақсимлаш, халқаро алоқаларни ривожлантириш учун истиқболлар очади.

Шу билан бир вақтда мавжуд табиат бойликларини республикаларда яшаётган халқларнинг манфаатлари йўлида тўла-тўкис фойдаланиш учун қулай шарт-шароит яратиш юзасидан мамлакат ва республикалар раҳбарияти даражасида қатъий ҳаракат қилишни давом эттириш жуда зарур. Шу сабабли учрашув қатнашчилари Иттифоқ шартномаси имзолангандан сўнг мол-мулкни тақсимлаш, бюджет тизими ҳамда бошқа ҳаётий муҳим масалалар юзасидан дарҳол СССРнинг тегишли қонун ҳужжатларини қабул қилиш талаб этилади, деб ҳисоблайдилар.

Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон раҳбарлари ҳозирги танг вазиятдан фақат барча республикаларнинг куч-ғайратларини бирлаштириш йўли билан чиқиб олиш мумкинлигини таъкидлайдилар. Иқтисодиёт ва ижтимоий турмушни янгилаш барқарорликни сақлаш, интизом ва тартиб билан, ҳамма жойда миллатлараро ва фуқаролар тотувлигига эришиш билан, барча халқларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилиш, ҳар қандай масалаларни музокаралар олиб бориш йўли билан ўзаро келишишни излаш асосида фақат сиёсий воситалар орқали ҳал қилиш билан узвий боғлиқ бўлиб, бунинг муқобил йўли йўқ. Республикалар, минтақалар ўртасидаги ва марказ билан ўзаро муносабатларда вужудга келган муаммоларни ҳал қилиш ечимларини тиқиштиришга, куч ишлатишга ёки куч ишлатиш билан дўқ қилишга йўл қўйиб бўлмайди. Чунки бундай йўл қарама-қарши туришнинг кучайишига, тартибсизликка ва олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатларга олиб боради.

Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон раҳбарлари Мустақил давлатлар Иттифоқи тўғрисидаги шартномани имзолашни ёқлаб чиқар эканлар, бошқа республикаларга мурожаат қилиб, уларни шартномага қўшилишга даъват этадилар.

Ўзбекистон ССР, Қозоғистон ССР, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон ССР ва Туркманистон ССР раҳбарлари сиёсат, иқтисодиёт ва республикалар ўртасида вужудга келган муносабатлардаги аҳволни муҳокама қилиб:

— сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, миллатлараро ва фуқаролар тотувлигига, тангликни камроқ чиқим билан тезроқ бартараф этиш мақсадида Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларини жипслаштиришга эришиш зарурлигини тан оладилар. 1992 йилга ва узоқ истиқболга мўлжалланган республикалараро иқтисодий битимлар тузишни жадаллаштириш ҳақида келишиб олдилар;

— республикалар Олий Кенгашларининг Мустақил давлатлар Иттифоқи тўғрисидаги шартномани имзолаш ҳақидаги қарорларини рўёбга чиқариб, шартномани тузиш ва мол-мулкни тақсимлаш ҳамда Иттифоқ билан республикалар ҳокимият ва бошқарув идоралари ваколатларини фарқлаб қўйиш масалаларини қисқа муддатда ҳал қилишни қатъий зарурат деб айтадилар;

— яқинлашиб келаётган куз-қиш даври бўсағасида мамлакатнинг энг йирик ва аҳоли зич жойлашган минтақаларидан бирини ҳаётий зарур ресурслар ва озиқ-овқат маҳсулотлари, айниқса дон, ун, гўшт билан таъминлашда юз бераётган вазият муносабати билан жиддий ташвиш билдириб, бу масалаларни ҳал қилиш учун куч-ғайратларни бирлаштириш тўғрисида келишиб олдилар. Иқтисодиётда келишилган ўзаро ҳаракатлар тўғрисида ҳамда 1991-1992 йиллар куз-қиш даврида минтақа халқ хўжалиги ва аҳолисини ёқилғи ҳамда энергетика ресурслари билан таъминлаш юзасидан ҳукуматлараро махсус ҳужжатларни имзолашни зарур, деб топдилар;

— Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон иқтисодиёти умумий муаммоларини ҳал этишга ягона ёндашувларни ишлаб чиқиш юзасидан республикалараро Маслаҳат кенгашини тузишга қарор қилдилар, тангликдан чиқиш ва бозор муносабатларига ўтишга доир келишилган сиёсатни ўтказишда куч-ғайратларни бирлаштириш юзасидан эришилган битимлар ва аҳдномаларни амалга оширишни таъминлаш вазифаси шу Маслаҳат кенгаши зиммасига юклатилади.

Учрашув қатнашчилари минтақа республикалари ўз иқтисодиётида хом ашё йўналиши қарор топганлиги ва аҳоли турмуш даражасининг пастлиги оқибатида бозорга ўтиш чоғида ғоят оғир вазиятга тушиб қолганлигидан чуқур ташвиш билдириб, СССР Президенти билан мамлакат ҳукуматининг эътиборини бу республикалар ижтимоий-иқтисодий тараққиётини бараварлаштириш учун шарт-шароит яратишга доир узил-кесил чоралар кўриш зарурлигига қаратадилар.

Учрашув қатнашчилари Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг ўзаро ҳар томонлама алоқаларини, шунингдек бошқа республикалар билан алоқаларни мустаҳкамлашга доир ташаббусларини тўла-тўкис қўллаб-қувватлайдилар ҳамда ишлаб чиқилган қоидаларни изчиллик билан амалга оширишни минтақа иқтисодиётини ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш манфаатлари йўлида бундан буён ҳам биргаликда қилинадиган ишларнинг мустаҳкам негизи деб биладилар.

**Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти**
**И. КАРИМОВ**

**Қозоғистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти**
**Н. НАЗАРБОЕВ**

**Қирғизистон Республикасининг Президенти**
**А. АКАЕВ**

**Тожикистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти**
**Қ. МАҲКАМОВ**

**Туркманистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти**
**С. НИЁЗОВ.**

## Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон республикалараро Маслаҳат кенгашини тузиш тўғрисида

# БИТИМ

Тошкент шаҳри,
1991 йил 14 август.

РЕСПУБЛИКАЛАР раҳбарларининг 1990 йилда Олмаота шаҳрида қабул қилинган аҳдномалар қандай бажарилаётганини муҳокама қилишлари натижаларига биноан ва янгиланган Иттифоқ доирасида Ўрта Осиё республикалари ҳамда Қозоғистон иқтисодиётини бирлаштириш воситаси амал қилиши учун шарт-шароит яратиш, ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларни ўтказишда ва бозор муносабатлари амал қиладиган шароитда минтақа манфаатларини ҳимоя қилишда келишилган сиёсат юритиш мақсадида Ўзбекистон ССР, Қозоғистон ССР, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон ССР ва Туркманистон ССР ҳукуматлари Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон иқтисодиётининг умумий муаммоларини ҳал этишга ягона ёндашувларни ишлаб чиқиш юзасидан республикалараро Маслаҳат кенгашини тузиш ҳақида келишиб олдилар.

Маслаҳат кенгашининг фаолияти тенг ҳуқуқлилик, ўзаро манфаатдорлик, барча хўжалик субъектларининг эркин ишбилармонлик фаолияти учун шарт-шароит яратиш қоидаларига асосланади.

Маслаҳат кенгаши Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг тенг вакиллигида барпо этилади. Унинг таркибига республика ҳукумати бошлиғи ўринбосари раҳбарлигида ҳар бир республика вакиллари киради. Кенгаш вазифаларини таъминлаш учун республикалар тенг сонли вакилларидан иборат доимий ишлайдиган Ишчи гуруҳи тузилади ва у Ашхобод шаҳрида жойлашади. Бу идоранинг ишига давлат бошқаруви тузилмалари, республикаларнинг олимлари ва мутахассислари, шунингдек, муаммолар билан шуғулланувчи экспертлар, жумладан, хорижий мутахассислар жалб этилиши мумкин.

Маслаҳат кенгашининг асосий вазифалари республикалар ҳукуматларининг биргаликдаги қарори билан тасдиқланадиган низомда белгилаб берилади. Маслаҳат кенгашининг мажлислари одатда йилнинг ҳар чорагида, навбати билан республикаларда ўтказилади. Мажлисни ташкил этишни қабул қилиб олувчи томон таъминлайди.

Маслаҳат кенгашининг қарорлари манфаатдор мустақил республикаларнинг вакиллари маъқуллаган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Бу қарорлар республикалар ҳукуматлари фармойиш ҳужжатларини қабул қилгач, амалга оширилади.

Маслаҳат кенгаши фаолиятини республикалар молиявий ва моддий жиҳатдан, шу жумладан валюта билан баравар тенг ҳуқуқлилик асосида таъминлайди, бунга республика бюджетида тегишли маблағ ажратилиши кўзда тутилади.

Томонларнинг ўзаро келишувига биноан битимни Озарбайжон Республикаси делегациясининг раҳбари ҳам имзоламоқда.

**Ўзбекистон ССР вице-президенти**
**Ш. МИРСАИДОВ**

**Қозоғистон ССР Бош вазири**
**У. ҚАРАМАНОВ**

**Қирғизистон Республикаси Бош вазири**
**Н. ИСАНОВ**

**Тожикистон ССР Бош вазири**
**И. ҲАЁЕВ**

**Туркманистон ССР Бош вазири**
**Х. АҲМЕДОВ**

**Озарбайжон Республикасининг Бош вазири**
**Г. ГАСАНОВ**

## *РАСМИЙ*

## *ДЎСТОНА ТАШРИФ*

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон расмий делегацияси Ҳиндистон Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан 17 август куни Тошкентдан Деҳлига жўнаб кетди. Делегация таркибида Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов, Ўзбекистон ССР ташқи ишлар вазири С. О. Азимов, Ўзбекистон ССР маданият вазири Н. Ё. Ғоибов, Ўзбекистон давлат банки бошқарувининг раиси Э. Ж. Боқибоев, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти М. С. Салоҳиддинов, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Халқ таълими, фан ва маданият комитетининг раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси П. Қ. Қодиров, Ўзбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълим вазири Ш. А. Алимов ва бошқа расмий кишилар бор.

Аэропортда делегацияни Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси Ш. М. Йўлдошев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби А. С. Ефимов, Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков, Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи котиби, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг раиси А. И. Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар. Кузатиб қолувчилар орасида Ҳиндистоннинг Тошкентдаги Бош консули вазифасини бажарувчи Говинд Г. Кулькарни бор эди.

(ЎзТАГ).

СССР ОЛИЙ КЕНГАШИ РАИСИНИНГ ҚАРОРИ

**СССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Кенгашининг олтинчи сессияси 1991 йил 17 сентябрь куни Москва шаҳрида чақирилсин.

**СССР Олий Кенгашининг Раиси**
**А. ЛУКЬЯНОВ.**

Москва, Кремль.
1991 йил 16 август.

## *Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг*

## ФАРМОНИ

**ЎРТОҚ А. ОРИПОВНИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари ва самарали ижтимоий фаолияти учун шоир Абдулла **Орипов** Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотлансин.

**Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти**
**М. ГОРБАЧЕВ.**

Москва, Кремль.
1991 йил, 15 август.

## НАРХ-НАВО: ҚАЕРДА ҚАНДАЙ?

**ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА СССРНИНГ АЙРИМ ШАҲАРЛАРИ БОЗОРЛАРИДА 1991 ЙИЛ 15 АВГУСТДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ АСОСИЙ ТУРЛАРИНИНГ ЎРТАЧА БОЗОР НАРХЛАРИ**

(бир килограмми сўм ва тийин ҳисобида)

| шаҳарлар номи | картошка | пиёз | сабзи | помидор | бодринг | карам | олма | узум | қовун | тарвуз | мол гўшти | қўй гўшти |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Нукус | 3,00 | 1,50 | 1,00 | 0,65 | 2,50 | 2,00 | 4,00 | 6,00 | 1,00 | 1,00 | 12,00 | — |
| Бухоро | 2,00 | 1,50 | 1,50 | 0,50 | 2,50 | 1,50 | 2,00 | 2,00 | 0,80 | 0,50 | 15,00 | 16,00 |
| Гулистон | 2,00 | 1,00 | 0,85 | 0.35 | 2,75 | 1,75 | 2,00 | 3,00 | 0,65 | 0,55 | 12,00 | 15,00 |
| Қарши | 1,30 | 1,10 | 1,15 | 0,75 | 1,75 | 0,85 | 1,75 | 3,00 | 0,55 | 0,50 | 12,00 | 20,00 |
| Самарқанд | 0,60 | 0,55 | 0,90 | 0,45 | 2,25 | 0,55 | 2,50 | 3,50 | 1,00 | 1,00 | 18,00 | 22,00 |
| Фарғона | 1,75 | 1,10 | 1,75 | 1,00 | 2,50 | 1,10 | 2,75 | 3,25 | 1,15 | 1,15 | 18,00 | 24,00 |
| Тошкент | 2,00 | 1,40 | 1,75 | 1,00 | 2,50 | 1,25 | 5,00 | 3,50 | 1,00 | 1,00 | 19,00 | 24,00 |
| Душанбе | 2,25 | 1,75 | 2,00 | 1,25 | 2,50 | 1,20 | 4,50 | 3,50 | 1,50 | 1,00 | 15,00 | 17,00 |
| Ашхобод | 3,50 | 3,00 | 4,50 | 2,50 | 4,00 | 2,50 | 2,75 | 3,50 | 0,90 | 0.60 | — | — |
| Киев | 1,90 | 2,50 | 2,50 | 6,00 | 6,00 | 1,90 | 4,50 | — | 6,00 | 3,30 | 18,00 | — |
| Кишинев | 3,00 | 2,50 | 1,50 | 1,50 | 2,00 | 4,00 | 2,00 | 5,00 | 3,00 | 2,00 | — | — |
| Тбилиси | 3,50 | 4,50 | 4,00 | 4,50 | 5,00 | 3,25 | 5,50 | — | 6,00 | 2,75 | 23,00 | 25,00 |
| Иркутск | 3,00 | 3,00 | 5,00 | 8,00 | 5,00 | 6,00 | 12,00 | — | 8,00 | 5,00 | 19,00 | — |
| Москва | 4,00 | 5,00 | 5,00 | 6,00 | 8,00 | 4,00 | 6,00 | 20,00 | 8,00 | 2,50 | 35,00 | 35,00 |
| Куйбишев | 3,25 | 2,50 | 2,00 | 3,50 | 4,00 | 2,75 | 3,50 | 11,00 | 3,00 | 1,75 | 17,00 | 17,00 |
| Олмаота | 1,75 | 2,00 | 2,75 | 2,50 | 4,00 | 2,25 | 5,50 | 4,50 | 2,50 | 2,00 | 15,00 | 16,00 |
| Бишкек | 1,00 | 2,00 | 2,00 | 2,00 | 3,00 | 1,50 | 5,00 | 6,50 | 4,00 | 2,00 | 12,00 | 15,00 |
| Харьков | 2,50 | 2,50 | 3,50 | 2,75 | 3,00 | 3,00 | 6,00 | 15,00 | 4,00 | 1,75 | — | — |
| Свердловск | 2,50 | 3,00 | 3,00 | 8,00 | 5,00 | 4,00 | 7,50 | 16,00 | — | 3,00 | 18,00 | — |
| Челябинск | 2,50 | 2,25 | 2,10 | 6,00 | 4,00 | 4,00 | 6,00 | 10,00 | 4,00 | 3,00 | 17,00 | — |

